



05.01.2022 даги

О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўртасида 37865904,00 сўм умумий
суммага тузилган СРЮ-2253 - сонли шартномага
ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 015
Шахсий газна ҳисобварақ 100010860262877033901015001

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда Жами
	4292100	4292200		
Январь	5 291 968,00	7 330 000,00		12 621 968,00
Февраль	5 291 968,00	7 330 000,00		12 621 968,00
Март	5 291 968,00	7 330 000,00		12 621 968,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	15 875 904,00	21 990 000,00		37 865 904,00

Жами 37865904,00 сўм

Ўттиз етти миллион саккиз юз олтимиш беш минг тўққиз юз тўрт
сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойда тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан разначилик бўлинмасига икки нусхада
тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши
лозим (унбў сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар
кўрсатиши, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар)
ётаказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловин амалга ошириш қолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери

Ҳазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

«__» _____ 20__ й.

(имзо)

Урунов Ж. О.

Ф.И.Ш.

(имзо)

Сирожов З.Ф.

Ф.И.Ш.

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

«__» _____ 20__ й.

№ СРЮ-2253 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил “05” сентябрь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “30” декабрь №45-01-07/1159-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали директор ўринбосари Хон А.Е. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи М.О. Урусов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Prepaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.1.1. Мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (**Prepaid**) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача миқдори: 37 865 904,00 (Ўттиз етти миллион саккиз юз олтмиш беш минг тўққиз юз тўрт сўм 00 тийин) ташкил этади. Шундан 12 621 968,00 (Ўн икки миллион олти юз йигирма бир минг тўққиз юз олтмиш саккиз сўм 00 тийин) миқдорда ойлик абонент тўлови. Шартнома суммаси миқдоридан ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма миқдори ҳар ой тўланади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилаётган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангандир тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасимсиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Якуний қодалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 мартга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 мартга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календар кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:

АК “Ўзбектелеком”

«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Манзил: Тошкент, шаҳар. А. Темур кўчаси 97 А.

Тел: (99) 836-7600

Электрон почта: b2b@uztelecom.uz

Банк маълумотлари:

ҳисоб рақами: 2021 0000 5040 7483 8088

АТБ Алоқабанк

МФО: 00401

ИНН: 203366731

ОКЕД: 61100

Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди

ҚҚС 326 030 013 817

АБОНЕНТ:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва
қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича
вакил ўринбосари

Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус

кўчаси, 73А уй

Банк маълумотлари:

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010;

СТИР: 305004694;

МФО: 00014;

Банк номи: Марказий банк ББ ХККМ Тошкент ш.;

Тел: (71) 202-0904;

Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди

ҚҚС

Директор ўринбосари:



Хон А.Е.

Абонент номидан:



/имзо/

М.О. Ҳуснов

Техник қўллаб-қувватлаш: 1155

Ижрочи: Ахунова К.А.

Тел.: (+998 99) 836-7589

k.akhunova@uztelecom.uz

Юрист: М. Насибаев

Handwritten signature of M. Nasibayev.

Хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва улар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги Миллий валюта – сўм

№	Хизмат номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдор и	Нархи (киймати) ҚҚС билан
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
II. Ойлик тўловлар					
2.1	Марказий процессор (CPU), ҳар бир ядро учун	71 000,00	Нархнома	20	1 420 000,00
2.2	Оператив хотира (RAM), 1 ГБ учун	10 000,00	Нархнома	54	540 000,00
2.3	Қаттиқ дискнинг маълумотларни сақлаш тизими (HDD) 1ГБ (2 категория (10K RPM SAS)	600,00	Нархнома	3 000	1 800 000,00
2.4	Teznet business-7 тариф режаси бўйича 50 Мб/с тезлигида UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва Интернет тармоғига 50 Мб/с тезликда уланиш, трафики чекланмаган ҳолда уланиш учун абонент тўлови	3 680 000,00	Нархнома	1	3 680 000,00
2.5	10 Мб/с тезлигида UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва Интернет тармоғига 100 Мб/с тезликда уланиш, трафики чекланмаган ҳолда уланиш учун абонент тўлови	Uzcloud тарифига киритилган	-	1	Uzcloud тарифига киритилган
2.6	Teznet business-6 тариф режаси бўйича 40 Мб/с тезлигида UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва Интернет тармоғига 40 Мб/с тезликда уланиш, трафики чекланмаган ҳолда уланиш учун абонент тўлови	3 010 000,00	Нархнома	1	3 010 000,00
2.7	Статик IP-манзил ажратиш учун абонент тўлови	20 000,00	Нархнома	5	100 000,00
2.8	КСПД: "МСПД" Город тариф режаси бўйича 2 Мб/с тезликда VPN тармоғига уланиш учун абонент тўлови	20 968,00	Нархнома	1	20 968,00
2.9	Ethernet Город тариф режаси бўйича 2 Мб/с тезликда VPN тармоғига уланиш учун абонент тўлови	21 000,00	Нархнома	1	21 000,00
2.10	Ethernet Город тариф режаси бўйича 20 Мб/с тезликда VPN тармоғига уланиш учун абонент тўлови	210 000,00	Нархнома	1	210 000,00
2.11	XDSL Республика тариф режаси бўйича 2 Мб/с тезликда VPN тармоғига уланиш учун абонент тўлови	130 000,00	Нархнома	14	1 820 000,00
Жами (олдиндан тўлов)					12 621 968,00

Жами олдиндан тўлов микдори 12 621 968,00 (Ўн икки миллион олти юз йигирма бир минг тўққиз юз олтмиш саккиз сўм 00 тийин), шу жумладан 15% ҚҚС микдорида.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача микдори: 37 865 904,00 (Ўттиз етти миллион саккиз юз олтмиш беш минг тўққиз юз тўрт сўм 00 тийин) ташкил этади. Шундан 12 621 968,00 (Ўн икки миллион олти юз йигирма бир минг тўққиз юз олтмиш саккиз сўм 00 тийин) микдорда ойлик абонент тўлови. Шартнома суммаси микдоридан ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма микдори ҳар ой тўланади.


"Ўзбектелеком" АК номидан:
«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Абонент номидан:
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва
қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича
вакил ўринбосари
Абонент номидан:



Директор ўринбосари

Хон А.Е.



М.Ў.

/ИМЗО/

М.О. Ғуносов

Далолатнома

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш
телекоммуникация хизматлари шартномаси асосида амалга оширилди

"05" январь 2022 йилдаги № CPIO-2253

№	Хизматлар рўйхати	Миқдори	Сана	Бажарилган ишларни қабул қилиш белгиси
1	Марказий процессор (CPU), ҳар бир ядро учун	20	«05» <u>январь</u> 2022йил.	Бажарилди
2	Оператив хотира (RAM), 1 ГБ учун	54	«05» <u>январь</u> 2022йил.	Бажарилди
3	Қаттиқ дискнинг маълумотларни сақлаш тизими (HDD) 1ГБ (2 категория (10K RPM SAS)	3 000	«05» <u>январь</u> 2022йил.	Бажарилди
4	Teznet business-7 тариф режаси бўйича 50 Мб/с тезлигида UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва Интернет тармоғига 50 Мб/с тезликда уланиш, трафиғи чекланмаган ҳолда уланиш учун	1	«05» <u>январь</u> 2022йил.	Бажарилди
5	10 Мб/с тезлигида UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва Интернет тармоғига 100 Мб/с тезликда уланиш, трафиғи чекланмаган ҳолда уланиш учун	1	«05» <u>январь</u> 2022йил.	Бажарилди
6	Teznet business-6 тариф режаси бўйича 40 Мб/с тезлигида UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва Интернет тармоғига 40 Мб/с тезликда уланиш, трафиғи чекланмаган ҳолда уланиш учун	1	«05» <u>январь</u> 2022йил.	Бажарилди
7	Статик IP-манзил ажратиш учун	5	«05» <u>январь</u> 2022йил.	Бажарилди
8	КСПД: "МСПД" Город тариф режаси бўйича 2 Мб/с тезликда VPN тармоғига уланиш учун	1	«05» <u>январь</u> 2022йил.	Бажарилди
9	Ethernet Город тариф режаси бўйича 2 Мб/с тезликда VPN тармоғига уланиш учун	1	«05» <u>январь</u> 2022йил.	Бажарилди
10	Ethernet Город тариф режаси бўйича 20 Мб/с тезликда VPN тармоғига уланиш учун	1	«05» <u>январь</u> 2022йил.	Бажарилди
11	XDSL Республика тариф режаси бўйича 2 Мб/с тезликда VPN тармоғига уланиш учун	14	«05» <u>январь</u> 2022йил.	Бажарилди

"Ўзбектелеком" АК номидан:
«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали


Директор ўринбосари



Хон А.Е.

Абонент номидан:
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва
қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича
вакил ўринбосари

Абонент номидан:


М.О.Уринбосов
М.Ў.